



Ғайрат МУРОДОВ,
адабиётшунос.



ИККИ АБДУЛЛА

Ўзбекистон Ҳалқ шоири Абдулла Орипов бир шеърида ўз исми моҳияти ҳақида фикр юритар экан, ҳар қандай замонда ҳам Абдуллаларга осон булмаган деган холосага келган эди.

Куръони

Каримда исмлар осмондан тушади, яъни илоҳийдир мазмунидаги оят бор. Исм (ном) инсон тақдирин билан боғлиқ, аниқроги, унинг келажати шу исмда яширинган бўлади. Ушбу фикр исботини Ўнтириманчи асрнинг икки буюк ижодкори — Абдулла Кодирий ҳамда Абдулла Қаддор номлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Абдулла (Абдуллоҳ) араб тилидан таржима қилинганда, "Оллоҳнинг қули" демакдир. Кимки, номи қандай булишидан қатъий назар, Парвараингорга чин дилдан қулликни ихтиёр этса, у мислсиз инъому эксанларга сазовор. Мамлакат шохи булмаганда ҳам, рӯҳ мулкининг шоҳданшоҳи (ҳоқони) булишга муносиб.

Тошкентлик Кодир бобо ва Жоснат библиар кетмакет ўн тўртта фарзанд кўрадилар. Аммо улар гўдаклигиданоқ вафот этаверадилар. Сабрли ота-она навбатдаги туғилган ўнита Абдулла деб ном берадилар. Тангри таолонинг кароматини кўринигки, шу ўғил ҳам, ундан кейин туғилган болалар (Раҳимберди, Қудратулла) ҳам омон қоладилар, вояга этиб, оиласи бўлиб, узларидан кўпаядилар.

Худди шундай ҳодиса фарғоналиқ темирчи Абдуқадир оиласида ҳам тақрорланган. Устанинг бир нечта фарзанди баъзилари йўргакда, бошқалари кейинроқ дунени эрта тарқ этиб кетадилар. Фақат Абдулла исми берилган бўлажак буюк адаб омон қолади.

Бундай воқеанинг замонида қандай сир-синоат бор — биз, ожиз бандалар, билмаймиз. Ёғиз Оллоҳнинг ҳукми, иродаси ўлимдан-да кучли эканини англашимиз мумкин.

Сиртдан қаралганда икки Абдулла орасидаги үхашлик ана шу ҳодиса (Ажацдан омон қолиш) билан чегараланганга үхшайди. Қодирий баҳор фаслида Тошкентдаги бобон, Қаҳдор кузда қўқонлик темирчи оиласида туғилган. Бирин жадид ҳаракатининг, иккинчиси, шўро даври адабиётининг вакили. Буниси ерга, деҳқончиликка меҳр қўйган, униси эса темир-терсакка, техникага қизикдан. А.Қодирий мажлисларда нутқ сўзлашни ёқтирумagan, А.Қаҳдор эса ажойиб нотиқ бўлган...

Аммо бу масалага чуқурроқ разм солсак, уларнинг шахси, ижодлари орасидаги муштараклик ғоят серқирра ва кўп қатламли эканлигини кўрамиз.

Биринчидан: бу икки адабни сўзга бўлган меҳр, сўз олдилиги буюк маъсуллият бирлаштиради. Улар ёмон ёзмаганлар, сўз ҳазинасини истроф этмаганлар. Шу боисдан ҳам асарларизда ҳар бир сўз олмос каби ярқираб туради. Моҳир заргар — сўз устаси қули уларга сайқал берган, абадият салтанати (адабиёт) ҳудудига олиб кириб қўйган. Улар кераксиз гапларни ёзмаганлар, аксинча ёзганларини таҳир қилиб ихчамлаштирганлар. Оз сўз билан кўп маъно бериш уларнинг ижодига кредо (асосий мақсад) бўлган.

Иккинчидан: аслида юқоридаги үхашлик иккала езуви шахсияти билан боғлиқ. А.Қодирий ҳам, А.Қаҳдор ҳам камган, камсукум, камтар инсон эдилар. Уларга манманлик бегона бўлган. Буюк асарлар яратсаларда, ўзларини олдий-эл қатори одам деб билишган. Миннбарларга, мартабаларга интилмаганлар, адабиётдан танаъ, манфаат кутмаганлар, мақтанишни ёмон кўришган.

Одоб, ҳаё, чуқур маданият уларнинг ички дунёсини ҳаммага курсатиб турарди.

Юқоридагилардан ташқари, уларни ушбу инсоний хусусиятлар безаб турган: маралик, юксак маънодаги виждан, ҳақиқатпарастлик. Бу уч тушунча бир-бирига боғлиқ, бири иккинчисидан келиб чиққани учун фақат мардоналик жиҳатига тұхталамиз.

Абдулла Кодирий ниҳоятда мард инсон эди. Бу камёб фазилат. У ғаддор замона турланишларига

мослашмаган. 20-йилларда ўткір фельетонлар әзіб, балық корчалон тұраларнинг жиғига тегады. Улар сени үлдіришта қотыл ёлланған деган мазмунда алибга мактуб жобарасып. Алиб "Мұштум" журналы орқали бу дәлдегендегі жағоб берар экан, үзім ҳам дүнедан түйтінман, дейді пичинде арашады. Үлімдан құрқасыл, ширин жонадан орномусын үстүн күйиш А. Қодирийға ҳам, уннан ижобий қархамонларига хос құсусынан.

Машъым тузумга бүнниң әзігінде үтүн Абдулла Қодирийнің иккі марта (1926 ва 1937 йыл) қамагантар. У бандиликта ҳам үзини мәрдона тутады. Хүрлікден кура, үзім афзалроқ, дейді у 1926 йылғы суд жараеніза. Қамоқдан чиқибоқ қызығын ижодий иштегі шүңгіб кетады ва 1928 йылда иккінчи шоқ романы — "Мекропдан әсін"ни әзіб тұтады.

Езувчининг фазилатларини у яраттан ижобий қархамонлардан ҳам билиш мүмкін. "Ұтпан күнлар"даты Отабек — мәрд, диповар ғана. Жаллод Мусулмонқұл ноңақ фитначиликда айбланиб Құқон үрдасыга келтирилген Отабекханаға ғазаб үттін соғтанды, у таңдикага түшмайды. "Хұммінгизни чиқараверинг" дейді босиқдик билан. Бундан жағоб Мусулмонқұлдан қаттол күмсаны ҳам ҳайратта солады: "Дөв юрагынға бор экан, ғана" — дейді завқланиб.

А. Қодирий 1937 йыл декабридан 1938 йыл октябрғача НКВД турмасыда бұлған ва суд қарорисын отиб үлдирилген. У бандиликта мисслесіз қайнақтарға бақыларона бардош берди. У бирор ватандошини қоралаб күрсатма бермады. Ҳолбуки, бошқалар азоб-уқубатларға дош беролмай, әлғон айбловларға имзо чекишига мажбур бұлғанлар.

Абдулла Қодирий жасорати ҳар бир міннедең шынынан учун фахр ва ибратдид.

Мардник бобида Абдулла Қаҳдор буюқ инсоннинг мұносиб вориси. Уннан таржимаи ҳолидан бундай ноеб фазилатни күрсатувчи күпілаб воқеа ва далилларни топиши мүмкін. Набыжон Бақыйнинг "Қатлнома" асарыда әзилищича, Абдулла Қодирийнинг "Айблов жылды" га имзо чекмаган ятона инсон А. Қаҳдор бұлған экан.

Ўзбекистон Қархамони, машүр езувчи Саид Ахмад "Йўқотгандарим ва топганларим" китобида үстед адибнинг жасоратини күрсатувчи ҳодисаларни ҳықоя қылған. Адабиетни мұқаддас даргох деб билған А. Қаҳдор хом-хатала, бадиияти саез асарларға муросасыз бұлған. Уларнинг муаллифларига ўз фикрини очық айтты. Маълум мавқега эта үртаменә қаламкашлар шуннан учун А. Қаҳдорни ёмон күрганлар. Үнгі түрлі ғұллар билан тазийк үтказишига, асарларини ёмонаңтық қилишша уриништап. Жұмладан, үттеге асарнинг 60-йиллари бошида "Қизил Ўзбекистон" газетасыда "Тобутдан товуш ҳақида" деган каттакон мақола чоп этилиб, унда езувчининг шуро воқелигини қоралагани ҳақида бонг уриштап. Ушбу материалға учта машүр езувчи ва адабиетшүнос имзо чеккан эди. Булардан бири Абдулла Қаҳдорнинг яқын дүсті бұлған. Шундай ҳужуму ҳамлаларға қарамай, әзтиқодлы адиб ўз фикридан қайтмайды, ҳақиқатни дастур билиб ажойиб асарлар әзішда давом этаверады. Албатта, асабларнинг қақшагани, соч толаларига оқ оралагани табиий. Зоро, әзін иродали одам ҳам темирдан яралған эмас.

Учинчидан: А. Қодирий ва А. Қаҳдорни ўзбек менталитетининг ажойиб қирыаси — меҳмонашварлық болғаб турады. Иккі адиб ҳам ниҳоятта меҳмонашварлық одаамлар бұлыштап. Эшик қоқиб келған ҳар бир кишини

— хунарманд, деңгөнми, мардикорми, зиёли әки тұрамы — очық чедра билан күтиб олғазылар, дастурмен әзіб, чой, таом күйгандар. А. Қодирий "Ұткан күнлар", "Мекропдан әсін" қаби шоқ асарларини әзіттанды ҳам, меҳмонашдан азиз қақшын дариг тұтмаган. Ишини тұхтатиб меҳмонаштың иззатини жойға күйганды. Аслида бундай құсусынан буюқ адаб табиатшаты сахильтік, жағонмардик хислати иғодасы.

Хабибулла Қодирийнинг әзицина 1932-1934 йиллардати дахшатли очлик йилларда ҳар куни адабнинг үйінде каттакон қозон қайнаға тұрган. Үндеп адабнинг меҳр-шафқати туғайли хонағонда олиб келінген мұхтож кишилар таом етаплар. Езувчиниң үзі жаңа шу йылдарда ниҳоятта озиб, афтордағы бұлғын қолтап. Бу озиқ-овқат етишмеганligидан эмас, аспол: Қодирийнинг каттагина бояғы, экин-тиозин, асаларапары бор зди. Бу ҳолнинг сабаби шундаки, инсонпарвар ижодкор үлаёттап қоғандаштардың күриб қатық истироб чеккан, томогидан овқыт үтмата.

А. Қодирийға хос сахо (сахильтік) шүжөй (шілжоат) билан қоришиб кеттән зди. Машүр фельетончи ва адаб Фози Олимпийнің үзілі Тұлқын Юнесов шундай әзілдік: отасы "зарақунандачилик" да айбланиб қамалғач, уларнинг ҳәтін өтирлашады, у отасиннан тиңда соғтани күтариб Қодирийнинг үйінде келади. Бу өткінде Фози Олимпийн ҳам, А. Қодирийнинг ҳам хонағони назорат остида зди. Шунға қарамай буюқ әзіс "халқ дүшмәні" үзінни очық көз билан күтиб олады, олдига таом қүйіб, қорниңнан түйгизириады. Соғтта инсоғ билан ҳақ тұлайшынан діннаты бир қаридор топиб берады. Шу биланғина киғояланмай ғанағатча "қайнатған пайтларнанда орқа эпиксіздар тортынай келиб түр", деб тайиншылди. Құп үтмай адабнинг үзі қамоққа олинган.

Абдулла Қаҳдор оиласи сахильтік, меҳмонашварлығы ҳақида ҳам күп галириш мүмкін. С. Ахмаднинг әзілдік, адаб әзі көліши билан дүкендан күпгина янты қалак сотиб олар экан. Уларни богицаги сархил шафтолярға тұлдиріб, шогиридан беріб юборған. А. Қаҳдорнинг дала қоялышы "Езувчилар бояғы"нинг ларвозасы әнида жойлашған зди. Касбдошларига ғамхұр адаб пишиқчылар пайтасы ҳар куни бир қалакка мева-чева тұлғизиб, боядаги улкан аргувон остиға келтириб құяр, бу ерда ижод қылаёттандар улардан ер эканлар.

Абдулла Қаҳдор иш юзасыдан Москвага бориб тұрган. Ҳар гал ўзбекистонлик талабаларға учрашар, уларға пул беріб тұрап экан. Бу ишни у сақоватпешалигини күз-күз қилиш учун эмас, ғұз міннаты истиқболини үйлаб қылған.

Ҳазрати Навоий шундай әзіндер:

*Муруват — барча бермакдур, емак йүк,
Футувват — барча қылмакдур, демак йүк.*

Яның: саҳиб ғашықтарға таом беради-ю, үзі емайды. Олий сахильтік (футувват) одамларға яхшилик қилиш, аммо миннат қилишмаган.

Футувват — сүфиілік шарти. Абдулла Қодирий ва Абдулла Қаҳдор дахрийлік замонида яшашларига қарамай, аждод-сүфиій боболарнинг аңынасынан давом эттиргандар. Улар ҳаммага яхшилик қылғандар, аммо миннат қилишмаган. Зоро, сақоват улар ҳаётининг субстанциясы (жавҳар) зди.

Тұртингчидан: иккі ижодкор үзбек эпик адабиетининг байроқдори бұлғын тарих майдонига

чиқдилар. Эпик ижодкор деганда ҳикоя, қисса, роман ёзувчи санъаткор тушунилади.

Қодирий ва Қаҳҳорнинг буюк хизматлари туфайли ўзбек эпик адабиёти миллий ҳудуддан юқори кўтарилиб, жаҳон адабиёти чўққисига чиқди.

Жаҳон таниған аллома Евгений Бертельс А. Қодирийни "Янги романчиллик мактаби асосчиси" деб тан одди. Бу шунчаки лутф ёки қуруқ мақтov эмас, теран ҳақиқатдир.

Хали А. Қодирий романлари жаҳон адабиёти нуқтаи назаридан теран ўрганилгани йўқ. Агар шу амалга оширилса, удуғ сўз санъаткори бадий меросининг оламшумул аҳамияти ерқинроқ, кенгроқ очилган бўлар эди.

Абдулла Қодирий ўзининг романчиллик мактабида Шарқу Фарбнинг кўп асрлар адабий-бадий тажриба, ютуқларини бирлаштириди. Унинг романларида "Алномиш", "Маҳобдорат", "Рамаяна", "Илиада", "Одиссея" каби эпос намуналари, "Уруш ва тинчлик", "Квентин Дорвард", "Айвенго", "Д' Артанян ва уч мушкетёр", "Граф Монте-Кристо" каби эпик асарлар билан гаройиб боғланишларни кўрамиз. Бундай боғланишлар А. Қодирий эпик тафаккурининг уммон сингари бепоёнлигидан, жаҳон маданияти хазинасидан чукур хабардорлигидан дарак бериб турибди.

Адаб романнинг бадий шакл сифатидаги ҳудудини кенгайтирган, унинг янги имкониятларини кашф этган ва амалиётга жорий этган. Садриддин Айний, Мухтор Аvezов, Чингиз Айтматовдай жаҳон миқёсида тан олинган санъаткорлар Абдулла Қодирийнинг романчиллик маҳоратидан баҳраманд бўлишган, унинг бадий тажрибаларини давом эттирганлар. Шу маънода ўзбек адаби асос солган романчиллик мактаби фақат Қодирийнинг йирик эпик асарлари билан чегараланиб қолмайди, ўз бадий ҳудудини кенгайтириб, жаҳон адабиёти ҳудудини эгалтай борган. Бундай жараён ҳозир ҳам давом этмоқда.

Абдулла Қаҳҳор бу борада ҳам Абдулла Қодирийнинг муносиб издоши бўлади. "Ўткан кунлар" ўзбек адабиётида биринчи тарихий роман бўлса, А. Қаҳҳорнинг "Сароб"и миллий сўз санъатидаги илк замонавий романdir. Қодирий романида мозийнинг фожиавий, драматик воқеалари акс этган бўлса, Қаҳҳорнинг мазкур асарида гаддор шўро тузумига хос мафкуравий, иқтисодий-ижтимоий зиддиятлар, талотўлар ифодаланди. Энг муҳими, мана шу икки аср ҳам юксак бадий маҳорат билан ёзилган, уларда улкан руҳшунос, сўз заргарларининг буюк меҳнати юз кўрсатиб турибди.

Қизиги шундаки, икки адаб ҳам ўзларининг биринчи романларини 25 ёшларида бошлаб 27 ёшда ёзид туталлаганлар. Бу "тасодиф"да илоҳий ҳикмат бор, албатта.

Шундай қилиб, миллий (ўзбек) романчиллик мактаби икки худодод истеъодд өгаси бўлмиш санъаткорнинг саъй-ҳаракати, меҳнати туфайли яхлит бир бадий майдон бўлиб юзага келди, мана, аср ўтса ҳам у қимматини, жозибасини сақлаб келмоқда.

Маълумки, ўтган асрнинг 10-йилларида А. Қодирий

"Жувонбоз", "Улоқда", "Жинлар базми", А. Чўлпон "Курбони жаҳолат", "Дўхтир Муҳаммадёр" деган кичик эпик асарлари билан замонавий ўзбек ҳикоячилигига асос солдишлар. А. Қодирийнинг "Улоқда" ҳикояси бадий барқамоллиги билан ҳанузгача муҳлислар эътиборини тортиб келмоқда. Ҳикоянавислик бобида А. Қаҳҳорнинг хизмати бекиёсdir. У ўтган асрнинг 30-йилларида "Бемор", "Ўгри", "Анор" ҳикояларини яратдик, уларнинг таърифига тил оқизлик қилиб қолади. Бу асарларда ортиқча сўз учрамайди. Детал (ҳикоянинг муайян бир қисми) шундай жойлаштирилганки, уларнинг ўрнини алмаштириш ёки олиб ташлашнинг мутлақо иложи йўқ. Характерлар бутун, тасвир фоятда аниқ, ёрқи. Бу ҳикоялар жаҳон адабиётидаги энг барқамол новеллалар билан бемалол беллаша олади. Бу фикрни ўша даврнинг машҳур адабиётшуноси (Вера Смирнова) айтган ва бу ҳақдоний эътирофдир.

Абдулла Қодирий ўз романлари, Абдулла Қаҳҳор етук ҳикоялари билан янги миллий адабиётни жаҳонга қайтадан танитдилар. Дунё Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улутбек, А. Навоий, Мирзо Бобур яшаган замин ва сўзлаган тил янгидан янги истеъоддлар яратади.

А. Қодирий ва А. Қаҳҳор шахси ҳамда ижодидаги муштаракликнинг яна бир аломати уларнинг бадииятга дахлдор эканликларида намоён бўлмоқда. Ўтган замонларда қанчадан-қанча шоиру адилар кўплаб асарларини чоп эттирганлар. Буларнинг кўпин одил ҳакам — Вақт имтиҳонидан ўтолмади. Ҳозирги авлод уларнинг асарларинигина эмас, номларини ҳам билмайди. Бу тарих ҳукмидир. Чунки у ўзининг шонли қучогига фақат фидойи, инсоният истиқболи учун хизмат қилган миллатпарвар, инсонпарвар буюк инсонларни қабул қиласи, бошқаларни эса йўқлик — унутилиш қаърига совуқёнлик билан улоқтириб ташлайди.

Одамлар А. Қодирий, А. Қаҳҳорнинг ҳаёти, шахсини ўрганиб, бу инсонлардек ҳалол, ҳақиқатгўй, мард ва иродали бўлишни орзу қиласидар, асарларидаги ижобий қаҳрамонлар билан муаллиф орасидаги уйғунылкдан ибрат оладилар. Ҳикоя, романларидаги рангин бадииятдан завқланадилар. Ўз яқинлари, оила аъзоларига китобларини мутолаа қилишини уқтирадилар.

Айтишларича, А. Қодирийнинг танишларида бирининг ўғли машҳур адабни йўлда учратиб, унга "Ўткан кунлар" романини ўқиб чиққанини айтган. Ёзувчи бу китобни неча марта ўқиганини сўрагач, бир марта, деб жавоб берган. Шунда адаб йигитчага романни тўртбеш карра ўқиб чиқишини маслаҳат берган. "Шундан кейингина асарни яхши тушунасан", — деган.

Ҳақиқатан, биз, китобхонлар, "Ўткан кунлар" романини, "Ўгри" каби ҳикояларни қайта-қайта ўқишига, улар доимо кўз олдимизда туришига ўрганишимиз лозим. Мутолаа, мулоҳаза қилганимиз сайин бу мукаммал матнларнинг янги томонлари, қирралари кенгроқ, кўпроқ очила боради ва биз бадий адабиёт деб аталган илоҳий-маънавий оламдан кўпроқ насиба олишдек буюк баҳтга мушарраф бўламиш.

